

## Истиқбол таянчларига эътибор

✘ Давлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этиш билан биргаликда унинг ижроси назорати катта аҳамият касб этади. Шундай экан, бу долзарблик касб этади. Ушбу саъйи ҳаракат таълим ва тараққиётнинг ривожини, сифати ва самарасини таъминлаши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Yoshlar-kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тадбир ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилган педагоглар таркибида ГИМ факультети маънавий-маърифий ишлар буйича декан ўринбосари Рузибаев Ортик Рузибаевич ҳам бор. Улар Кегейли ва Чимбой туманларига масъул сифатида фаолият олиб бориш асносида ёшлар билан учрашув жараёнида тарғибот ишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

**Маънавий-маърифий ишлар буйича декан ўринбосари Рузибаев Ортик маълумоти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**